

Ким азонни эшитганда

05:09 / 05.10.2019 3570

عَمَّ سَيِّئَ حَلَّاقٍ نَمَّ» : لَأَقُولُ بِبَنِي إِسْرَائِيلَ لِيَضْرَبَهُمُ اللَّهُ بِدِينِهِمْ أَوْ يَكْفُرُوا بِالْإِسْلَامِ كُفْرًا كَرِيمًا. «الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَنُدْخِلَنَّهُمْ فِي الصَّالِحِينَ».

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким азонни эшитгандан кейин: «Аллоҳумма, Робба ҳазиҳид даъватит тааммати, вас-солатил қоимати, ати Муҳаммаданил василата вал фадилата, вабъасху мақомам маҳмудан аллазий ваъадтах»* деса, қиёмат куни унга шафоатим вожиб бўлур», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

* «Аллоҳим, эй ушбу тугал азоннинг ва тўқис намознинг Робби! Муҳаммадга васила ва фазилат бергин ҳамда уни Ўзинг ваъда қилган «Мақоми маҳмуд»да тирилтиргин». Васила – жаннатдаги ягона мақом бўлиб, унга инсониятдан фақат бир киши эришади. Ўша мақомни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун сўраш умматларнинг бурчидир. Зеро, васила башарият саййидига берилмаса, кимга ҳам берилар эди?! Фазилат – бошқалардан афзал бўлиш. Баъзилар уни ҳам жаннатдаги бир мақом дейишган.